

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ИНСТИТУТИ

*Мактабгача ёшдаги
болаларнинг монологик
нутқини ўстириш*

(Услубий кўрсатмалар)

ТОШКЕНТ- 2015

Услубий кўрсатмаларда мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ўстиришда бадий адабиёт билан таништириш машғулотларининг аҳамияти, нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш орқали болаларнинг боғланишли нутқини ўстириш, ўйин орқали болалар монологик нутқини шакллантириш йўллари ёритилди. Кўрсатмалар мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари, оналар учун мўлжалланади.

Муаллиф:

Л.Р.Миржалолова. Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим
кафедраси мудири, п.ф.н., доцент

Такризчилар:

Р.Ахатова.

Ўқувчиларни касб-ҳунарга
йўналтириш ва психологик - педагогик
Республика ташхис маркази, дефектология
ва тиббий хизмат бўлим бошлиғи п.ф.н.

Н.Азизова.

Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим
катта ўқитувчиси

Ё.Ғаниева.

Учтепа тумани 465-Мактабгача таълим
муассасаси тарбиячиси

Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедрасининг 2015 йил 23 октябр
ойидаги 9 -сонли қарори билан чоп этишга тавсия этилган

Мамлакатимиз келажаги бугун мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган фарзандларимизга, уларнинг ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишишларига боғлиқ.

Мактабгача таълим нафақат узлуксиз таълимнинг пойдевори, қолаверса ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий жиҳатдан бой шахсни шакллантирувчи биринчи поғона ҳамдир. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёни қанчалик юқори савияда ташкил этилса, тарбияланувчи болалар, шунчалик таълимнинг кейинги босқичларида қийинчиликларсиз муваффақият қозона олишларига имконият яратилади.

Давлатимиз Ўзбекистон келажагини қуришда асосий иштирокчи бўлмиш болаларни юксак маънавиятли этиб тарбиялашга алоҳида этибор бермоқда. Жумладан, Президент И.Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида: "Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди,"- деган сўзлари мактабгача таълим муассасалари фаолияти учун бевосита тааллуқлидир.

Ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий баркамол, ижтимоий фаол шахс сифатида тарбиялашда бадий адабиётнинг ўрни беқиёс катта. Айнан ана шу бадий адабиётлар, яъни эртак, ҳикоя, ривоятлар билан таништириш жараёнида болаларнинг монологик (боғланишли) нутқи таркиб топади.

Бадий адабиёт инсон руҳиятига таъсир этиш омилидир

Бадий адабиёт машғулотларида кўзда тутиладиган асосий мақсад - кичкинтойлар қалбида бадий китобга нисбатан ҳавас уйғотиш билан бирга, уларнинг китобхонлик саводини, китобхонлик маданиятини ошириш ҳам кўзда тутилади. Бунинг учун болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидагиларга:

➤ бадий асарларда акс эттиралаётган аҳамиятга молик ғояларни теранроқ тушуниш;

➤ қаҳрамонлар хулқ-атворини таҳлил этиб, яхши ва ёмон жиҳатларини фарқлаб, мустақил баҳо бериш;

➤ мантиқли фикрлаш: фикрларини эркин, равон баён этиш кўникма ва малакаларини пайдо қилиш, шакллантириш ва ривожлантириб боришга алоҳида аҳамият берилади.

Албатта, бу мақсадни амалга ошириш-анча мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Халқимизда, "Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил" деган ажойиб мақол бор. Табиийки, дарахт ниҳоллигидан парвариш қилинмаса, у ёввойилашиб, ғовлаб кетади, демак ҳар бир иш ўз вақтида бошланса, кутилган натижага эришиш муқаррар. Тарбиячи ва устозлар, ота-оналар эзгу мақсадларини амалга оширишни кечиктирмай, вақтида бошласалар, бу йўлда ўз билим ва малакаларини, маҳоратларини тинмай ошириб борсалар самарали натижаларга эришилади.

Тарбиячи ва устозлар бадий адабиёт машғулоти самарадорлигини оширишда ва бадий асар таҳлилида қуйидаги вазифаларни ҳал этишлари талаб этилади: бадий асар мағзига сингдирилган асосий мақсадни аниқлаш; асар қайси жиҳатлари билан болани фикрлашга ундамоқда; асар қаҳрамонларининг ўзаро суҳбати; қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг сабаб ва оқибатларига алоҳида эътибор қаратиш; бадий тасвир воситаларини (қаҳрамонларнинг қиёфаси, табиат тасвири; жонлантириш; ўхшатиш) аниқлаш; асар жанри (эртақ, ҳикоя, шеър) бўйича фарқларга болалар эътиборини қаратиш, тушунчаларини мустаҳкамлаш; бадий асар воқеалари асосида мантиқли саволлар тузиш; бадий асар бўйича суҳбат-мунозара ташкил этиш; асар ғоясини очишда хизмат қилувчи мақол, ҳикматли сўз ва топишмоқлардан фойдаланиш; болаларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш усулларини излаш (бадий асар воқеаси ёки

қахрамонлар саргузаштини давом эттириш, мустақил эртак, ҳикоя ёки шеър, топишмоқ ва тез айтишлар тўқиш в.б.); асар бўйича ижодий фикрлашни давом эттириш (болалар иштирокида эртак ва ҳикояларни саҳналаштириш; қўғирчоқ театри қўйиш; театрға саёҳат уюштириш; меҳнат, тасвирий фаолият, муסיқа машғулотларида мавзунини мустаҳкамлаш ва бошқалар); китоб жавонига янги китоб ва расмлардан кўргазмалар ташкил этиш.

Шунингдек, тарбиячилар ҳар бир машғулот аввало бола учун ташкил этилаётганлигини ёдда тутишлари лозим. Гуруҳдаги ҳар бир болага алоҳида эътибор бериб, қалбига қулоқ тутиши, улар томонидан айтилаётган жавобларни, билдираётган фикрларини диққат билан тинглаши, оқилона муносабатда бўлиши, уни самимият билан қўллаб-қувватлаб бориши қисқаси, кичкинтойни шахс сифатида ҳурмат қилиши жуда муҳим.

“Болажон” таянч дастурида бадиий адабиёт “Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик” бўлими таркибига киритилади. Зеро, бадиий адабиёт болаларнинг луғат бойлигини, нутқини ўстириш, фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда, саводга тайёрлашда муҳим хизмат қилувчи воситалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, бадиий адабиёт санъатнинг алоҳида, ўзига хос турларидан бири. Санъатнинг бош вазифаси эса инсон руҳиятига таъсир этиш, қалбини ҳаяжонлантириш орқали уни яхшилик, эзгулик, гўзаллик руҳида тарбиялашдан иборат. Мактабгача таълим муассасаларида бадиий адабиётга бағишланган машғулот жараёнида сўз санъатининг бу бош вазифасини ҳам унутмаслик лозим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши туфайли барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар узлуксиз таълим тизимига ҳам тегишли бўлиб, мактабгача таълим зиммасига алоҳида мажбурият юклайди.

Маълумки, болаларни мактабга тайёрлашда она тили муҳим ўрин тутди. Она тилини ўрганиш нарса ва ҳодисаларни идрок этиш, ўзини

қизиқтирган масалалар тўғрисида фикр юритиш, ўйлаш, нутқ ўстиришни ривожлантиришга ёрдам беради. Товуш ва сўзни тўғри талаффуз этиш бола шахсининг шаклланишида катта тарбиявий аҳамият касб этади. Шу сабабдан она тилини ўрганишга оид машғулотлар жараёнида мактабгача ёшдаги болалар (6-7 ёш) нутқини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоғи лозим.

Ҳозирги замон талабларига мувофиқ мактабгача катта ёшдаги болалар адабий талаффуз меъёрларига биноан ўз луғатидаги барча товуш ва сўзларни аниқ ва тиниқ талаффуз этиб, урғуларнинг тўғрилигига риоя қилмоғи лозим. Тадқиқотчилар ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг фикрларига кўра мактабгача катта ёшдаги болаларда нутқ шаклланишининг энг қулай шарт-шароитларини аниқлаш мураккаб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда 6-7 ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришга янада юқорироқ талаблар қўйилмоқда. Бу талабларга жавоб бериш нутқни ривожлантиришга оид янги изланишларни тақозо этади.

Шунга кўра 6-7 ёшдаги болаларнинг теварак-атрофни ўрганиш жараёнида нутқини ривожлантиришнинг самарали йўллари ҳамда воситаларини ишлаб чиқишда таянч бўладиган назарий, методик қоидаларни ишлаб чиқишга эътибор қаратилди.

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш орқали болаларнинг боғланишли нутқини ўстириш

Нутқнинг товуш маданиятини шакллантириш болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Мактабгача ёшдаги болалар кўпинча с-з, п-ф, т-д, п-б, у-ў, х-ҳ, қ-ғ товушларини тўғри талаффуз қила олмайдилар. Нутқ жараёнида кетаппан - кетаяпман, Ҳожахон – Шоҳжаҳон, Йустам – Рустам, қалға - қарға каби талаффуз этишда йўл қўядиган хатоликларнинг олдини олиш, яъни тўғри талаффуз этишга йўллаш,

овоз баландлигига, товуш суръатига эътибор бериш методик жихатдан муҳим аҳамиятга эга. Баъзи болалар ўзидан кичикларни жеркиб, овозини кўтариб муомала қиладилар. Шунда улар талаффузига эътибор қаратиш, нутқ маданиятига, меъёрга сўзлаб, муомала қилишга ўргатиш зарур. Чунки болаликда таркиб топган муомала маданияти инсон умрининг охиригача муҳрланиб қолади.

Самимий муомала меъёри, хатто муомалада кўз қарашлари, бошқалар олдида ўзини тута билиш – муомала маданиятининг оддий талабларидир.

Ёш авлоднинг баркамол, етук, салоҳиятли инсонлар бўлиб камолга етиши учун она тилининг барча бойликларидан, унинг имкониятларидан фойдаланиш зарур. Шунинг учун ҳам мактабгача таълим муассасасининг энг муҳим вазифаларидан бири миллий адабий тил асосида болаларнинг боғланишли нутқини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Кузатишлардан маълумки, мактабгача ёшдаги болалар нутқи тафаккурни ривожлантириш билан боғлиқ равишда амалга оширилади. Тилни тўғри ўрганиш, унинг грамматик тузилишига эътибор бериб сўзлашиш, болаларда эркин муҳокама юритиш, саволлар бериш, жавоб қайтариш, бошқалардан эшитган фикрлари юзасидан хулосалар чиқариш, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги боғланишнинг турли кўринишларини англаб етишга олиб келади.

Мактабгача таълим муассасасида соғлом, табиий муҳит яратиш, болаларнинг тўғри муомалага кириштириш, бошқалар билан гаплашиш иштиёқининг ортишига туртки бўлади. Бунинг учун болалар нутқининг шаклан ва мазмунан мантикий бирлигига эришиши муҳим талаб ҳисобланади.

Биринчи талаб, дастлаб бола ўз луғат бойлигига эга бўлиши зарур. Бу унинг бошқалар билан муомалага киришишида ёрдам беради. Бунда тарбиячи асосий диққат - эътиборини табиий ҳолатда болаларнинг луғат бойлигини

ошириб боришга каратади. Болаларнинг сўз бойлигини оширишда эса уларнинг кундалик фаолиятида теварак-атроф билан танишиб бориши муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи муҳим талаб, болалар нутқининг грамматик тузилишини аниқ шакллантиришга эътибор бериш. Бунда болаларни йўналтирувчи саволлар, машқлар воситасида нутқдаги сўзларни тўғри ишлатиш, гапни тўғри тузишга ўргатиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Учинчи муҳим талаб, болаларда товуш маданиятини тарбиялашдан иборатдир. Зеро, болаларни товушларни тўғри талаффуз этишга ўргатиш методика илмидаги мураккаб масалалардан ҳисобланади.

Тўртинчи муҳим талаб, диалогик нутқ, яъни сўзлашув нутқини ривожлантиришдир.

Бешинчи талаб, ҳикоя қилиб беришга (монологик нутқ) ўргатишдир. Боғланишли нутқни ривожлантиришда монологик нутқ катта ёрдам бериши амалиётда ўз исботини топган. Тафаккурнинг ривожланганлиги луғат бойлиги, жумла тузиш малакаси, ўз фикрини эркин ва равион баён эта олиш кўникмаси билан чамбарчас боғлиқ.

Олтинчи талаб, болаларни бадиий адабиёт билан таништириш бўлиб, болалар адабиёти ва халқ оғзаки ижодининг энг ёрқин намуналари кичкинтойларни янги бир оламга олиб киришга хизмат қилади. Адабий асарлар билан таништириш болаларда фақат боғланишли нутқни ривожлантирибгина қолмай, уларда бадиий адабиётга меҳр - муҳаббат туйғуларини ҳам пайдо қилади.

Еттинчи талаб, болаларни савод ўргатишга тайёрлашдир.

Бу талаблар мактабгача тарбиянинг барча босқичларида амалга оширилади. Лекин уларнинг ҳар бирида болаларнинг ёш хусусияти, шахсий тайёргарлик даражаси ҳисобга олинади. Тўғри, катта гуруҳда болалар нутқи бир мунча шаклланиб қолади. Зеро, боғча ёшидаги катта болалар

фаолиятининг мазмунан ва шаклан хилма-хиллиги улар нутқининг такомиллашиб боришига ҳам ёрдам беради.

Болаларнинг теварак-атрофни кузатиб бориши натижасида талаффузи ҳам ижобий томонга ўзгара бошлайди: товушларни тўғри талаффуз қила бошлайдилар, жумлалар мазмуни кенгая боради, грамматик томондан гапни тўғри туза бошлайдилар, луғат бойлиги ҳам ортади. Болаларнинг ўзлари кичик-кичик ҳикоялар туза бошлайдилар ва бу ҳикояларни эркин баён қила оладилар. Уларда катталар билан мулоқотга киришиш, ўз фикрини эркин баён этиш каби хислатлар пайдо бўла бошлайди. Шунга кўра болалар нутқида товуш маданиятини такомиллаштириш, атрофдаги нарсалар, предметлар, ҳодисалар номини ифодаловчи сўз бойлигини кенгайтириш, фаоллаштириш, монологик нутқнинг оддий шакллариغا риоя этиш, ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ва аниқ ифодалай олиш кўникмаларини пайдо қилиш муҳим ва зарур ҳисобланади.

Бу талаблар болаларда борлиқни, теварак-атрофни идрок этиш, уни тушуниш, ҳис этиш, ҳикоялар тузиш, ўз фикрини баён қила олиш, ифодали ўқиш фаолияти жараёнида таркиб топтиради.

Маълумки, боғланишли нутқда болаларнинг атрофдагилар билан воқеа-ҳодисалар таъсири натижасида ўзаро муносабати, алоқаси ифодаланади. Бу ифода бир ёки бир неча жумлаларда ўз аксини топиши мумкин.

Боғланишли нутқнинг шаклланишида боланинг теварак-атроф билан муносабати, муомала шакли катта роль ўйнайди. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг оғзаки нутққа доир, малака ва кўникмалари мавжуд бўлганлигини ҳисобга олиб, уларда боғланишли нутқни шакллантиришда, аввало, теварак-атрофни кузатишда нималарга эътибор беришимиз кераклигини аниқлаб олишимиз зарур. Булар, аввало, она-Ватан ҳақида дастлабки тасаввурларни шакллантиришдан бошланади. Бунда, биринчи навбатда, болалар сўз бойлигини кенгайтиришда Республикамиз табиати,

касб-ҳунарга оид, қурилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган машиналар, нарсаларнинг ўзига хос белгилари ва ранглари, меҳнатга муносабатни ифодаловчи тушунчалар, ном ва сўзлар билан бойитиш зарур. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарини ўрганиш: она тилидаги антоним, синоним, омоним сўзларни тушуниш ва тўғри қўллашга доир тушунчалар, сўзлар билан бойитишга эришиш лозим. Болаларни нарсаларнинг номларини тўғри айтишга, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини тушуниш, шакли, ранги, сифати, хоссаларини, жинси ва турига оид йўналтирувчи луғатини фаоллаштириш, нутқнинг грамматик тузилишини шакллантириш, нутқ маданиятини шакллантириш, диалогик ва монологик нутқини такомиллаштириш ва ниҳоят савод ўргатишга тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Сўзлашиш – монологик (боғланишли) нутқнинг энг муҳим методи.

Сўзлашув (диалогик) нутқни шакллантириш, боғланишли нутқни таркиб топтиришда энг муҳим талаблардан саналади. Сўзлашув нутқи боланинг луғат бойлигига боғлиқ бўлади. Бунда бола ўзига мурожаат қилганларида суҳбатдошини эшита олиш, тушуниш, саволларга тўғри жавоб бера олиш билан бирга, сўзлашув маданиятини эгаллай бориши ҳам тақозо этилади. Болалар билан суҳбат жараёнида кўпроқ йўналтирувчи саволлар берилади.

Масалан, табиатга саёҳат пайтида тарбиячи томонидан “Ҳозир йилнинг қайси фасли?”, “Баҳорда табиатда қандай ўзгаришлар юз беради?”, “Баҳорда қандай қушлар учиб келади?” каби саволларнинг берилиши болаларнинг диалогик нутқининг ривожланишига ёрдам беради.

Боғланишли нутқда энг муҳим метод бу диалогик нутқ, яъни болалар билан сўзлашишдир. Сўзлашиш оғзаки нутқнинг энг оддий шакли бўлиб, унда бола ўзини тутиши, кўз қараши, хатти-ҳаракати, овозининг паст-баландлиги, тезлиги каби турли ҳолатлар ҳисобга олинади. Сўзлашиш –

диалогик нутқ, асосан катталар ёрдамида амалга оширилади ва у айниқса, теварак-атрофни билиш жараёнида яхши натижалар беради. Жумладан, жамоат жойларида, кўпчилик ўртасида нутқ маданиятига риоя этишга эътибор қаратилади.

Бунда бир-бирининг нутқини тўлдириб бориш, тузатишлар киритиш, сўраш, сўраб билиб олиш диалогик нутққа ўргатишнинг усуллари саналади.

Маълумки, мулоқот икки шаклда – эркин ва махсус тайёрланган машғулотларда амалга оширилади. Кундалик ҳаёт ва таассуротлар асосида уюштириладиган мулоқот эркин мулоқот бўлиб, йўл-йўлакай ўтказилса-да, бола нутқининг ифодали бўлишига ёрдам беради, уларда жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш малакаларининг пайдо бўлишига, сўз захирасининг бойишига олиб келади. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ҳам боғланишли нутқни ривожлантириш технологияси ишлаб чиқилганда тавсия этилган матнни ҳикоя қилишда воқеани катталарнинг ёрдамисиз, мустақил ифодалай олишга, луғат бойлигига, матн мазмунини баён этишда изчилликка риоя қилиши, тилнинг ифода воситаларидан фойдалана олиши, нутқнинг равлонлиги, тезлиги, жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиши, товушларни тўғри талаффуз этиши, нутқ маданиятига риоя этишига қаратилади. Мисол тариқасида, “Овчилар ва қуёнлар”, “Оқсоқ бўри ва қўйлар”, “Ниманинг пати?” каби ўйинлардаги савол-жавоблар ҳам болаларнинг диалогик нутқини ривожлантиради. Тарбиячи болаларга “ниманинг пати?” деб савол беради. Болалар ўрдакники, қарғаники, бургутники дея жавоб қайтарадилар. Ўйин шартига асосан қушнинг номини такрор айтган бола бирор шартни бажаради: ўйинга тушади, шеър айтади ёки қўшиқ куйлайди.

Болаларнинг нутқини ривожлантиришда монологик нутқ (боғланишли, ҳикоя қилиб бериш) айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Монологик нутқда

юқорида санаб ўтилган боғланишли нутқ талабларининг барчаси жамланган бўлади.

Болаларнинг монологик нутқининг шаклланиши уларни мактабга тайёрлашнинг асосий шартларидан биридир. Зеро, боғланишли нутқ болаларнинг мантикий тафаккурини ва унга боғлиқ бўлган зеҳни ўткирлаш, зукколик каби хислатларни ҳам таркиб топтиради.

Болаларда ҳикоя қилиш кўникмаси унинг луғат бойлиги, жумла тузиш малакаси билан ҳам аҳамиятлидир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларга муайян мавзулар бўйича эртаклар, расмлар асосида ҳикоя тузиш топшириғи ҳам берилиши мумкин. Бундай топшириқ устида ишлаш орқали уларда мустақиллик, ижодий фаоллик ривожлантирилади. Масалан, “Бизнинг оила”, “Баҳор фасли”, “Ўз - ўтар соз”, “Қалдирғочлар учиб келди” ва ҳоказо мавзуларда ҳикоя тузишни тавсия этиш болаларни ниҳоятда қизиқтиради.

Ҳикоя қилиш болаларнинг жумлаларни грамматик жиҳатдан тўғри тузиш, товушларни, қўшимчаларни тўғри талаффуз этиш, ёшига мос даражада тасвирий воситалардан тўғри фойдалана олишига ёрдам бериб борилади.

Катталарнинг меҳнат жараёнини кузатиш, табиатга, ишлаб чиқариш корхоналарига, дарё, чўл, далаларга саёҳатлар асосида ҳикоялар тузишни тавсия этиш ҳам болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда энг қулай усуллар саналади.

Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда бадий адабиётнинг имкониятлари каттадир. Мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари бадий адабиётнинг энг ёрқин намуналари билан ҳар куни таништирилиб борилади. Ҳикоятлар, ривоятлар, эртаклар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар ва қўшиқлар улар нутқининг ифодалилигини

таъминлаб қўя қолмайди, балки сўз захирасини ҳам бойитади, адабий тил имкониятларидан баҳраманд қилади.

Болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш уларни саводхонликка ўргатиш билан давом эттирилади. Бу жараён эшитганини англаб олишга кўникма ҳосил қилиш, ўз фикрини ифодали, аниқ, тушунарли, грамматик жиҳатдан тўғри ифодалай олиш билан боғлиқ бўлади.

Болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда энг муҳим вазифалар сифатида уларнинг луғатини бойитиш ва фаоллаштириш, нутқининг грамматик тузилишини, товуш маданиятини, диалогик ва монологик нутқни шакллантириш, бадий адабиёт намуналаридан фойдаланиш ҳамда савод ўргатишга тайёргарлик кабиларни киритиш мумкин.

Теварак-атрофни ўрганиш жараёни бола тафаккурини ривожлантиришда бошқа ҳеч нарса билан алмаштириш мумкин бўлмаган ҳиссий рағбатлантиришга сабаб бўлади. Бундай рағбатланиш боғча ёшидаги катта болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Чунки, теварак-атрофдаги предметлар, воқеликлар асосида туғиладиган ҳиссиёт бола тафаккурида ривожланиб, унинг тилига, жонли ифодага кўчади. Шунинг учун ҳам боланинг теварак-атрофдаги воқеликни билиб бориши, унинг гўзаллигини, битмас - туганмас мураккаблиklarини ҳис этиши, ижтимоий муносабатлар ва катталар дунёсига кириб бориши, унинг ҳар томонлама камол топиши билан бирга, боғланишли нутқининг ҳам бойиб, шаклланиб боришига олиб келади. Зеро, болалик дунёни завқланиб, ҳиссиётларга тўлиб идрок этиш, уни кашф этиш билан уйғундир.

Демак, боғланишли нутқни ривожлантириш, хилма-хил ва бетакрор дунёни методик томондан қизиқарли, турли шакл ва воситалардан фойдаланган ҳолда замон талаблари асосида болаларга етказишни ташкил этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу борада замонавий технологиялардан

фойдаланиш болаларнинг ёши, ўзига хос хусусиятлари, луғат бойлиги, нутқ маданияти, нутқни грамматик жиҳатдан тўғри туза олиш каби жуда кўп талабларни ҳисобга олиш зарурати туғилади.

Ўйин орқали болалар монологик нутқини шакллантириш йўллари

Мактабгача ёшдаги болалар учун тузилган дастурларнинг марказида ўйин ётади. Изланишлар шуни кўрсатадики, ўйинлар кичик ёшдаги болалар ҳаётининг муҳим қисми ҳисобланади. Ўйин ва ривожланиш бир-бирининг қўлидан етаклайди, шунинг учун болалар ўсадиган шароит уларнинг эркин ўйнашлари учун имкониятларга бой бўлиши, яъни бошқа болалар билан уюшган ҳолда ўйнаш, фаол ва мураккаб драматик ўйинлар, тизимли ўйинлар, гуруҳ бўлиб ўйнаш. Экспертларнинг фикрича, «Ўйин болаларнинг билиш ва ҳаракатланиш кўникмаларининг ўсиши, шунингдек, атрофимизни ўраб турган кишилар олами ва унда ўзининг ўрнини билиш учун керак. Болаларнинг ижтимоий кўникмалари ўз тенгдошлари билан ўзаро таъсир пайтида ривожланади, бунда улар қоида нима, бу қоидалар қандай ишлаб чиқилади ва ҳақиқат, адолат нима эканлиги тўғрисида билиб оладилар. Улар ҳамкорлик қилишни ва бир-бирлари билан ўртоқлашишни ўрганадилар. Вазифалар, топшириқлар қўйиш ва уларни муваффақиятли ҳал этиш, бошқа болалар билан биргаликда ҳаракат қилиш иа шахсий, жисмоний, ақлий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш чоғида уларнинг ўзига-ўзи баҳо беришлари ривожланади». Шунинг учун ҳам тарбиячилар олдидаги масъулият жуда катта. Тарбиячи ўйинни ташкил қилар экан, ўйин ҳаракатлари турлича, қизиқарли, кўرғазма ва тарқатма жиҳозлари хилма-хил, энг муҳими, бола учун севимли бўлишини таъминлаши лозим, бундан ташқари ўйин ҳаракатлари, шартларини бола яхши ўзлаштирган бўлиши керак ва бу ҳаракатлар бола учун қийинчилик туғдирмаслиги, унинг жисмоний зўриқишига олиб келмаслиги муҳим. Ана шундагина ўйин болалар

учун завқли туюлиши, мароқли ўтиши мумкин ва бола бундай ўйинларни жон-дили билан берилиб ўйнайди, бундай ўйинлар ўз-ўзидан болани ақлий фаолиятга тайёрлайди ва мантиқий фикрлашни ошириб боради.

Мисол тариқасида мантиқий ҳаракатли ўйинлардан бирини олиш мумкин. Бунда болалар икки гуруҳга бўлинадилар ва гуруҳ сардорини сайлайдилар. Тарбиячи болаларга ўйин қоидасини тушунтиради, бунда сардор бориб, белгиланган доира ичига шаклнинг бир қисмини чизиб қайтади, навбатдаги бола бошқа қисмини, ўйин сўнгида берилган намунадаги шакл чизилиши лозим, ўйинни шундай ташкил қилиш керакки, шаклнинг ҳар бир детали гуруҳдаги болаларга етарли тарзда бўлиши ва охирги бола охирги детални чизиб тугатиши лозим. Қайси гуруҳ олдинроқ чизиб тугатса, у гуруҳ ғолиб ҳисобланади ва бунда шаклнинг сифатига ҳам баҳо берилади. Ўйинга қуйидаги «қуён» шакли танланиши мумкин.

Мана шу шаклни чизишда 2 та гуруҳда 14 та бола, яъни 7 тадан бола иштирок этади. Ўйин охирида суҳбат уюштирилади. Савол-жавоб ташкил этилиб, манна шу қуён ҳақида қисқача эртак ёки ҳикоя тузилади. Ўйинни бошқача ташкил этиш ҳам мумкин. Масалан, «мевалар» ва сабзавотлардан

иборат тарқатма расмлар орасидан гуруҳлар уларга топширилган кўрсатмага биноан «мева» ёки «сабзавот»ни топиб, «доира» ичига жойлаштириб қайтишлари лозим бўлади ва ҳар сафаргидек ҳар бир бола биттадан расм қўйиб келиши керак, бу расмларда ҳарфлар ёки сонларни ифодалаш ҳам мумкин. Бундай ўйинлар учун танлаган у ёки бу мавзу бола учун машғулотлар давомида ўрганилган, ўзлаштирилган бўлиши керак. Соғломлаштириш ойларида қўллаш ҳам мумкин. Бундай мантиқий ҳаракатли ўйинларни ўйнаш бола учун фақатгина ижобий самара беради ва нафақат ақлан, жисмонан, руҳан ривожланади, балки боғланишли нутқи ҳам шаклланиб боради.

Болалик давридаги ўйинлар, уларнинг камол топишидаги аҳамияти тўғрисида кўплаб илмий мақолалар, асарлар яратилган. Чунки, ўйинлар болалик йилларида боланинг бошқа ҳар қандай ишларидан устиворлик қилади. Ҳар бир соғлом бола ўйинни бор вужуди билан ўйнайди, чунки, ўйнар экан қувонч оламида кезади. Ўйин боланинг дидини ўстиради, мантикий тафаккурини ривожлантиради, теварак – атроф билан таништиради.

Ўйин мактабгача ёшдаги болага ривожлантирувчи таъсир кўрсатади. Ўйинлар турига кўра болаларга турлича таъсир этади. Масалан, ҳаракатли ўйинлар бола ҳаракатини мувофиқлаштиради, ҳаракат малака кўникмаларини шакллантиради, куч ва чидамлилиқни ривожлантиради. Воқеабанд ўйинлар болаларни катта ёшлар оламига кириб боришига ёрдам беради. Бундай ўйинларда болалар, ўзлари катта ёшлилар ҳаётида кўрган нарсаларини амалда мужассамлаштирадilar. Улар ҳеч бир ўйламай туриб шифокор, боғбон, ҳайдовчи, ўқитувчи, тарбиячи, хамширага айланиб қолишлари мумкин. Болалар катта ёшлилар меҳнати ва фаолияти соҳасидаги билимларига ижодкорлиги ва орзу ҳаёлларини қўшиб қизиқарли ўйинларни уюштиришлари мумкин. Буларга албатта болалар катталарга тақлид қилиш орқали эришадилар. Болаларда жамоа бўлиб ўйналадиган бундай ўйинлар ўзгалар билан мулоқотда бўлишга, ўзаро муносабатга кириш ва ўйинни белгиланган қоидаларга мувофиқ ўйнаш кўникмасини ривожлантиради.

Ўйин болага катта қувонч бахш этади, чунки ўйинда бола асл болалигини намоён қилиш, фаол ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади. Болага оила доирасидаги ўйинлар жуда хуш ёқади. Акалари, опалари ва умуман катта ёшдагилар билан бола бажонидил ўйнайди. Катта ёшдагилар бола воқеабанд ўйинларини бевосита ёки белвосига иштирокчилари бўлишлари мумкин.

Маълумки, болалар ўйнайдиган ўйинлар турли мавзу ва воқеабанд ўйинларга эга бўлиши мумкин. Табиий мавзудаги, боланинг оз бўлсада табиат соҳасидаги билимларига асосланадиган ҳамда кишиларнинг табиатдаги у ёки бу фаолиятларини акс эттирадиган ўйинлар бола ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди.

Агар ота-оналар, катта ёшдагилар болага табиатни бевосита кўзатиш меҳнат, бадиий адабиёт, телекўрсатувлар, диафильмлар ва шу каби бошқа қўлланмалар орқали таништирадилар, боланинг воқеаликни бу соҳасидаги қизиқиши унинг ўйинларида албатта ўз аксини топади.

Болалар сайр пайтида баланд бинолар олдидан ўтишлари мумкин. Шунда қурувчилик касби, қурилишда ишлатиладиган ғишт, ганч, қум, оҳак ва бошқа қурилиш материаллари, қурувчилик касби – ганчкорлик, ғишт терувчи, сувоқчи; биноларнинг баландлиги, гўзаллиги ва ҳоказолар ҳақида жумлалар тузадилар.

Гулзорлар, боғларга саёҳатлар давомида тарбиячи самолётлар, поездлар, гуллар, фавворалар ҳақида суҳбатлар уюштириши мумкин. Суҳбатларда предметларнинг ранги, туси, сони, катта-кичиклиги, тури, ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида ҳам машқ қилиб борилади. Шу билан бирга, “Нима ширин?”, “Нима учади?”, “Тушириб қолдирилган сўзларни топинг”, “Мен бошлайман, сен давом эт” каби машқлар ҳам грамматик жиҳатдан жумлаларни тўғри тузишга йўллайди.

Бугунги кунда машғулотларни интерфаол кўринишдаги ўйинлардан фойдаланиб ўтказиш долзарб масалалардан бирига айланди.

Маълумки, “Педагогик технология” деганда ўқув-тарбия жараёнини олдиндан маълум тизимда узвий лойиҳалаш, маълум педагогик тизимнинг ҳаётда амалга ошириладиган лойиҳаси, қурилиши деган маъно тушунилади. Шу билан бирга, педагогик технология – бу педагог томонидан қўлланиладиган таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи

услуглар йиғиндиси ҳисобланади. Педагогик технологияларни қўллашнинг бир қатор афзалликлари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- таълим самарадорлигини оширади;
- бола қизиқишларини кучайтиради;
- таълим мазмунини яхши ўзлаштиришга хизмат қилади;
- мотивациянинг юқори даражада бўлишини таъминлайди;
- ўтилган машғулоти яхши ўзлаштиришга ёрдам беради;
- тарбияланувчиларнинг мустақил фикрлай олиш қобилиятини шаклланишига олиб келади.

Шу нуқтаи назардан қараганда мактабгача катта ёшдаги болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш ҳам маълум педагогик тизимнинг лойиҳасидир. Яъни, болаларда боғланишли нутқни ривожлантириш мақсади, мазмуни, тарбия методлари, шакллари ва воситалари ифодаланган бир бутун тизим технологияси ҳисобланади.

Айни муаммога оид тадқиқотлар жараёнида ҳозирги давр талаби даражасида мактабгача катта ёшдаги болалар нутқини ўстиришнинг бир бутун тизими, мазмуни, ўзига хос хусусиятлари аниқлаб чиқилди ҳамда энг янги талаблар даражасида уни амалга ошириш методлари, шакллари ва воситалари технологияси ишлаб чиқилмоқда. Мана шу масала юзасидан кўриб чиқадиган бўлсак, мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантириш, мустаҳкамлашда интерфаол усуллардан, энержайзек тарзда ташкил этиладиган ўйинлардан машғулотлар жараёнида ўринли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, “Компот”, “Қувноқ шарчалар”, “Денгиз ва дельфин”, “Сувда, курукда” каби ўйинлар шулар сирасига киради. Мисол тариқасида “Денгиз ва дельфин” ўйинини кўриб чиқадиган бўлсак, бу ўйинда болалардан бири бошловчи ролида бўлиб, унинг бир қўли денгизнинг сатҳи, иккинчи қўли дельфин бўлади. Бошловчи дельфинни денгиздан отилиб чиқишини қўл ҳаракатлари орқали

кўрсатади. Дельфин сувдан неча мартаба отилиб чикса, ўйинда иштирок этаётган болалар шунча марта чапак чалишлари лозим бўлади. Агар иштирокчилардан бири ўйин давомида ўйин шартини бузса ёки чапак саноғида хатога йўл қўйса, у ҳолда бу иштирокчи бирор шартни бажариши лозим бўлади. Масалан, денгиз ёки дельфин ҳақида топишмоқ, шеър, қўшиқ, эртак ёки ҳикоя айтиб бериши талаб этилади. Ўйин тугагач, болаларга қуйидагича саволлар берилади: Болалар ўйин сизга ёқдими? Нима учун ёқди? Сиз дельфинга ўхшашни истайсизми? Нима учун? Ўйин давомида сиз нималарни ҳис этдингиз? ва ҳоказо. Бу каби ўйинлар болалар диққатини жамлайди, болаларнинг санаш кўникмаларини мустаҳкамлайди, нутқини фаоллаштиради, хотирасини чархлайди. Бундай ўйинларни эрталабки суҳбатларда, машғулотларда, сайрларда қўллаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда уларни ўраб олган теварак-атроф, меҳнат жараёни, бадиий адабиёт асосий манба бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Она-Ватан ҳақидаги тушунчалар, буюк сиймолар, анъанавий байрамлар, ўзбек халқининг урф-одатлари, маросимлари, машҳур саркардалар ҳақидаги ҳикоялар, ривоятлар, халқ амалий санъати намуналари, транспорт ва алоқа воситалари, кундалик буюмлар ҳам болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Болаларда кўпроқ гуруҳ билан қилинган сайрларда теварак-атрофни кузатиб, тарбиячи ва дўстлари билан сўзлашади, уйда эса оила аъзолари билан мулоқот натижасида боғланишли нутқи шакллана боради. Мактабгача ёшдаги болаларнинг боғланишли нутқини ривожлантиришда энг замонавий технологияларни қўллаш, фикр ва жонли сўз, она тилининг ҳиссий-эстетик маъно қирраларини англаб олиш, унинг гўзаллиги, софлиги, бойлигини ҳис этиш орқали амалга оширилади. Шу аснода боғланишли нутқ малакасининг ўзлаштирилишига замин яратилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асари. Т.: 2010
2. «Болажон» таянч дастури. Т.: 2010
3. Ф.Умарова ва бошқалар. Бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим. 2-модуль. Т.: 2011
4. “Мактабгача таълим” журнали. 2015 йил 11-сони.
5. Л.Миржалолова. Болаларни гапиртириб ўйналадиган ўйинларга нутқий жиҳатдан тайёрлаш. Т.: 2005